

A decorative border with intricate floral and scrollwork patterns in the corners, framing the central text.

АЛИАКБАР САЙФИДДИНОВ

БУЮКЛАР
БЕШИГИ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ суронлар бағридан омон чиққан бу безавол шаҳарни равнақ эттиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари боис Термиз ва Термиз атрофидаги тарихий ва меъморий обидалар қайта тикланди. Таъбир жоиз бўлса, истиқлол туфайли Термизга бир вақтлардаги шон-шавкати қайтиб келгандек бўлди. Қўлингиздаги мазкур китоб мустақиллик йилларидаги ана шу муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилади.

ISBN 978-9943-08-333-2

© Алиакбар Сайфиддинов «Буюклар бешиги». «Янги аср авлоди», 2008 йил

ЖАНУБ ГАВҲАРИ

Мамлакатимизнинг энг жанубий сарҳадида, шундоқ-қина қадим Жайхун — Амударё қирғоғида қад ростлаган бир гўша бор: Термиз. У собиқ Шўро тузуми даврида харобгина, ғарибгина бир шаҳарча эди. Бугун унинг қиёфаси, сурати ва сийрати буткул ўзгарди. Гўёки қадим Жайхун тубидан ногоҳ қирғоққа чиқиб қолган дуру гавҳардек беқиёс гўзалликка, жозибага эга бўлди. Бу бежиз эмас, албатта, истиқлол шарофати. Мустақилликнинг илк дамлариданоқ Термизга диққат-эътибор қаратилди. Бу шаҳар нафақат ҳарбий нуқтаи назардан, балки иқтисодий, маънавий жиҳатдан ҳам ғоят муҳим, ғоят қадрли маскан экани бот-бот эътироф этилди. Термизнинг ободончилиги, гуркираб ривожланиши худди шу хайрихоҳлик, ғамхўрлик замирида бошланди, десак асло муболаға эмас.

Термиз, Юртбошимиз таъкидлаганидек, чиндан ҳам МАЪНАВИЯТ ШАҲРИ. У ғоят кўхна тарихга эга бўлиб, бағрида жуда кўп олиму фозилларни, улуғ авлиёларни униб-ўстирган. Бу қуёшли шаҳар азал-азалдан илму маърифат аҳлларига макон саналган. Тарихда «Термизий» тахаллуси билан ижод қилган 40 дан ортиқ шоир яшаб ўтганлиги маълум. Қадим Чағонийдан етишиб чиққанлиги боис «Чағоний» тахаллусини олган ва илму адабиёт хазинасига беқиёс ҳисса қўшган шоиру олимлар адади эса ўн нафардан ошади.

Термиз тупроғидан етишиб чиққан бундай илму ирфон эгалари юртимиз довуғини, шаъну шавкатини олам узра таратганлар.

Имом Ҳаким ат-Термизий худди шундай алломалардан биридир. Ул зотни халқимиз гоят ҳурмат ва эҳтиром билан оддийгина қилиб «Термиз ота» деб атайди. «Термиз ота» зиёратгоҳи шаҳарнинг шундоққина биқинида жойлашган. Ҳозир бу ер, муболаға эмас, жумлаи жаҳонга машҳур. Бутун дунёдан бу ерга сайёҳлар, зиёратчилар ташриф буюришади. «Термиз ота», яъни Имом Ҳаким ат-Термизий мақбараси собиқ Шўролар даврида қанчалар хароб аҳволда бўлганини, балки бугунги ёш авлод билмас. Лекин биз — катта авлод ўз кўзимиз билан кўрганмиз.

«Термиз ота» — қўрқинчли чакалакзор, тиканзор ичидаги ташландиқ бир қабр эди. Бу қабрда дунёга донг таратган бир бобокалонимиз ётганини деярли ҳеч бир юртдошимиз билмасди. Билганлар эса жимгина, нафасларини ичига ютиб, дуоларини айтиб кетаверарди. Истиқлол туфайлигина биз улуғ бобомизни танидик. Истиқлол туфайлигина хароб бир қабр ҳашаматли, улкан ва муҳташам зиёратгоҳга айлантирилди. Шу сабаб, Термиз фавқулодда тез суръатда дунё олимларининг, жамоатчиликнинг диққат-эътиборига тушди. Бу ерга чет элик сайёҳлар, илм аҳллари ёғилиб кела бошлади. Тарихимизга, маънавиятимизга хорижликларнинг қизиқишлари кескин ортди.

Ушбу муборақ зиёратгоҳ атрофида сўнгги йиллар давомида 1 миллиард 200 миллион сўмлик иш бажарилди. Мақбара-мавзолей буткул қайта таъмирланди. Энг замонавий хизмат кўрсатиш даражасига эга бўлган ошхона, ювиниш хонаси ва бошқа маиший-маданий объектлар қўшимча равишда қурилди. Бундан ташқари, зиёратгоҳ теварагида катта боғ барпо этилди. Бу боғқа 30 мингдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар, 12 минг-

дан ортиқ турли-туман гул-чечак кўчатлари экилди. Шу ўринда, таъкидлаб ўтиш керакки, таъмирлаш жараёни баробарида бу ерда археологик қазиш ишлари, илмий изланишлар ҳам олиб борилди. Илм-фанга анча аҳамиятли бўлган жуда кўп осори атиқалар топилди. Жумладан, Имом ат-Термизий мақбараси теварагида яна 35 та қабр мавжудлиги аниқланди. Олимлар бу қабрлар улут алломанинг қариндош-уруғларига, маслакдошларига тегишли бўлса керак, деган хулосага келишди. Натижада, Имом ат-Термизий мақбараси теварагида 35 та қабр рамзлари қурилди. Ушбу кенг кўламдаги қайта таъмирлаш ишларининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, бу чинакам халқ ҳашарига айланиб кетди. Саховатпеша тижоратчилар, фермерлар баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатишди. Ҳар хил идора хизматчилари, талабалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб, усталарга ёрдам беришди. Таъмирлаш ишларида ҳар куни 300–400 ҳашарчи астойдил меҳнат қилди.

Албатта, бу каби эътироф, бу каби таъкидлардан кўнгил қувонади. Чунки халқимизнинг бундай улкан бунёдкорлик, ободончилик ишларига хайрихоҳлиги, ёрдамга интилиши, ҳар бир савобли ишга баҳамжиҳат ёндашаётгани юртдошларимизнинг аҳиллигини, жипслигини кўрсатади.

Олим ва шоир Термизийларнинг бетакрор силсила-сида Имом Термизий номи ила шуҳрат қозонган Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг шарафли исми ҳам бор. Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида туғилган аллома буюк муҳаддис сифатида машҳури жаҳондир. Муҳаммад ибн Исо Термизий ҳазратлари болалик кезларидаёқ тенгдошлари ичида беназир ақли ва хотирасининг кучлилиги билан ажралиб турган. Вояга етгач, ҳадис илмини

ўрганиш мақсадида кўплаб Шарқ мамлакатларига саёҳат қилади. У маҳалларда қисматини илм йўли ила боғлаган инсон дунё кезишга маҳкум эди. Шу боис Муҳаммад ибн Исо Термизий кўп йиллар Ироқ, Исфаҳон, Хурсон, Макка ва Мадина шаҳарларида умргузаронлик қилди. Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Саид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн ғайлон каби тенгсиз муҳаддислардан таълим олган Муҳаммад ибн Исо Термизий ўз навбатида Макхул ибн ал-Фадл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳамمود ибн Шокир, Абд ибн Муҳаммад Насафий, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Аҳмад ибн Юсуф Насафий каби улуғ олимларга устозлик қилади. Уларнинг ақлу закosi ҳамда руҳий камолотига мураббийлик вазифасини бажаради. Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг энг машҳур асарлари «Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ» ҳамда «ал Шамоил ан-набавия» китобларидир. Термизий ҳадислари содда ва равон тили, ёқимли ва тушунарли услуби, энг муҳими, ишончли экани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Буюк Термизийлардан яна бири Адиб Собир Термизий эса ўз замонасининг маҳоратли қалам соҳиби, беқиёс сўз санъаткори, ўз даврининг сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги иллатларига бепарво қараб тура олмайдиган оташқалб ва оташзабон шоири эди. Адиб Собир номи Дақиқий ва Фаррухий каби етук туркигўй шоирлар билан бир қаторда туради. Бу бежиз эмас. Негаки XI асрнинг сўнгги йиллари XII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган Адиб Собир Термизий ўз асарларида фақат муҳаббат усадоқатни таърифлаш билан чекланиб қолмасдан, оддий халқ ҳаётига муурожаат қилади, замонаси ва замондошларининг хатоларини гоҳ очиқ, гоҳ пардаланган бир тарзда танқид остига олади. Кўплаб форс шоир-

лари шеърият ва умуман адабиёт таҳсилини Адиб Собир шеърияти билан танишишдан бошлашган экан. Бу маълумот Адиб Собир Термизий шеъриятининг ҳақиқатга яқинлиги билан боғлиқ бўлса керак. Зеро, ҳақиқат ҳамма вақт инсонлар диққатини тортувчи биринчи ва етакчи воситадир.

Дарвоқе, кўҳна Сурхон воҳасида яна ўнлаб аллома Термизийлар яшаб ўтганларки, сўнгги йилларда биз бу боболаримизни яқиндан танидик. Абу Бакр Варроқ Термизий, Абу Зарр Термизий, Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизий, Умар ат-Термизий ас-Сўфий, Мавлоно Қудсий Термизий Маҳжуб, Хожа Самандар Термизий... албатта, бу рўйхатни ҳали узоқ давом эттириш мумкин. Эндиги вазифа эса бу улуғ зотлар қолдириб кетган маънавий хазиналарнинг сирини очиш ва уларни келажак авлодларимизга етказишдир.

Муҳтарам домламиз, тадқиқотчи олим Алиакбар Сайфиддиновнинг мазкур рисоласи ана шу хайрли ишлардан биридир. Бу китоб Сурхон ва Термиз тарихини ўрганишда, бу манзилларда яшаб ижод этган улуғ сиймоларни яқиндан танишда муҳим бир қўлланма бўлиши шубҳасиз.

Саидвафо БОБОЕВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

БУЮКЛАРГА БЕШИК БЎЛГАН ЮРТ

Термиз деганда кўпчилик Ўзбекистон жанубида, қадимда «Жайхун» номи ила шуҳрат топган Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган ўртача бир шаҳарни кўз олдига келтиради. Таассуфки, ҳали ҳам Термиз ҳақидаги тасаввурларимиз ёзининг ниҳоятда иссиқлигию қум зарраларини ёғдирувчи афғон шамолларидан нарига ўтмайди.

Хўш, Термиз қандай шаҳар ўзи? У қачон ва қандай бунёд этилган?

Бу саволларга дафъатан жавоб бериш анча мушкул. Араб ва юнон олимларининг асарларига қараганда Термиз кўҳна Шарқдаги энг қадимий шаҳарлардан биридир. Қулай жуғрофий ўрни туфайли Термиз қадимда шарқни ғарб, жанубни эса шимол билан боғлаб тургувчи савдо марказига айланган. Буюк ипак йўлининг муҳим тармоқларидан бири ҳам Термиздан ўтганлиги сўзимизни тасдиқ этади.

Бу кўҳна шаҳар Шарқ тамаддунининг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этган. Шу боисдан кўҳна Термизни «Шарқ тамаддунининг муҳим бир бўлаги» деб аташ мумкин. Қадимшунос олимлар эски Термизнинг қалъа қисмида олиб борилган қазилма ишлари ва ёзма тарихий манбаларга асосланиб, шаҳарга милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида асос солинган, деган фикр

рни илгари суришган. Шунингдек, кўҳна Термиз тарихимиздаги энг буюк давлатлардан бўлмиш Сўғдиёна, Хоразм, Марғиёна, Парфия давлатлари билан алоқалар ўрнатгани тарихдан маълум.

Тарихчи Ҳофизи Абруй ўз асарида «Термиз» номи қадимги бақтрий тилидан олинганини таъкидлайди. Унга кўра, шаҳар номи «Тарамастха» сўзидан олинган бўлиб, унинг маъноси «Нариги соҳилдаги шаҳар» демақдир.

Кўҳна Термиз турли асрларда турлича номлар билан атаб келинди: Антиохия, Деметриас, Тармид, Тармиз, Тами, Тамо. Фақат X асрдан бошлаб шаҳарни «Термиз» деб номладилар.

Милоддан аввалги II–III асрларда Термиз кўҳна Бақтрия давлатининг энг ривожланган шаҳарларидан бирига айланган.

Тарих саҳифаларидан биламизки, эрамиздан аввалги VII–VI асрларда Аҳмонийлар салтанати қадим Бақтрия ҳудудига бостириб киради. Ўша пайтда шаҳар ғоят раванак топган, аҳолиси осуда ва фаровон ҳаёт кечирар эди. Бу салтанатнинг ҳукмронлиги 328 йилда Искандар Зулқарнайннинг бостириб киришига қадар давом этади. Термиз аҳлининг жасорати машҳур саркардани ҳайратда қолдиради. Бошқа шаҳарлар ўз ихтиёрлари билан таслим бўлаётган бир пайтда термизликлар душман қўшинига қаттиқ қаршилик кўрсатишади. Дунёнинг жуда кўп номдор шаҳарларини кўрган Искандар Зулқарнайн ҳам Термизнинг гўзаллиги ва бетакрор табиатига мафтун бўлади. Уни ўзининг исми билан Искандария (ғарб манбаларида Александрия) деб атайди.

Термиз Искандария номини олгач, орадан беш йил фурсат ўтиб, улкан салтанат соҳиби вафот этди. Искандар Зулқарнайн ўлимидан сўнг қудратли империя бир

нечта давлатга бўлиниб кетди. Шу тариқа Термиз Юнон-Бақтрия давлатининг марказига айланди. Термиз шаҳрининг ўша пайтдаги ҳокими Дементрий шаҳарни ўз номи билан «Дементиас» деб аташларини талаб қилди.

Буни қарангки, Термизни кўрган ҳар қандай ҳукмдор уни ўз номи билан аташни орзу қилган. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, ўша даврларда Термиз Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган иккита йирик шаҳардан бири эди. (Яна бири Балх.)

Эрамиздан олдинги III ва эрамизнинг II асрларигача давом этган Кушонлар ҳукмронлиги даврида эса Термиз дунёнинг энг гуллаган шаҳарларидан бирига айланди. Кушон давлати дунёдаги 5 та қудратли империядан бири ҳисобланарди. Бу даврда Термиз ва умуман қадимий Бақтрияда темирчилик ва кимёнинг айрим соҳалари ривожланади. Ҳатто Термизда тайёрланган маҳсулотлар қуруқлик ва денгиздаги савдо йўллари орқали бошқа мамлакатларга ҳам сотиш учун олиб кетилади.

Эрамизнинг III ва VII асрларигача бўлган давр оралиғида Термиз Сосонийлар давлати таркибига кирувчи шаҳарлар қаторига ўтди. Сосонийлар ҳукмронлиги йилларида шаҳарда дин эркинлиги мавжуд бўлган. Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, аҳоли буддавийлик, зардуштийлик, монийлик, насронийлик, яҳудийлик каби динларга эътиқод қилган. Термиз ҳудудидан топилган Будда ибодатхоналари, зардуштий оташхоналари, насроний черковларининг қолдиқлари бу фикрни тасдиқ этади.

641 йилда Сосонийлар қўшини араблар томонидан тормор қилинади. Термиз эса ислом маданияти ва маънавиятининг ўчоғига айланади. Айтиш жоизки, бу даврда Термиз кўҳна Мовароуннаҳрдаги энг ривожланган шаҳар эди. Негаки бу даврда Самарқанд ва Бухоро каби



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1690> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1690> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1690>